

**Ротация/лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш
вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги
тўғрисидаги аризанинг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.Ш (тўлиқ)	
Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи	
Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим	
Тўлдирилган сана	
Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади: яқин қариндошлар – қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари. алоқадор шахслар – Ташкилот ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган микдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно; манфаатлар тўқнашуви – Ташкилот ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият; ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);	
1	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Ташкилотда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг <i>(агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг).</i>
2	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (якка

	тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i>
3	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i>
4	Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими? Агар жавоб “ҳа” бўлса қайси ташкилотлигини, лавозимини кўрсатинг.
5	Сизга Ташкилот ходимлари томонидан унинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми? <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)</i>
6	Лозим деб топсангиз қўшимча маълумотларни кўрсатинг.

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган **янги ҳолатлар тўғрисида** Ташкилотга дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

(сана)

Вакил девонида манфаатлар тўқнашувини бошқариш
бўйича Низомга 4-илова

**Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобга олиш
РЕЕСТРИ**

Т / р	Маълумот олинган сана	Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ҳодимининг Ф.И.Ш	Ташкилот таркибий тузилмаси ва ҳодимининг лавозими	Манфаатлар тўқнашуви нинг предмети	Манфаатлар тўқнашуви нинг тури (ҳақиқий ёки потенциал)	Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чоралар	Одоб-ахлоқ комиссия йиғилиш баённомаси рақами ва санаси, Кадрлар бўлими томонидан қабул килинган қарор реквизитлари	Белгиланган чоралар нинг амалга оширил иши устидан назорат қилиш бўйича масъул шахс
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1								
2								
3								
...								

Вакил девонида манфаатлар тўқнашувини бошқариш
бўйича Низомга 5-илова

_____ га
бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш тўлиқ
_____ дан
Ф.И.Ш тўлиқ

ташкilotи, лавозими

алоқа телефон рақами

**Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида
Х А Б А Р Н О М А**

Ташкилотнинг 20____ йил “____” _____ даги “____” – сон
буйруғига асосан мен,

(Ф.И.Ш, лавозими)
сизга манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида
қуйидагиларни хабар қиламан: _____

(Шахсий манфаатлар (тўғридан-тўғри ёки билвосита) хизмат вазифаларини бажаришига таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Ташкилотнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган вазиятни тасвирлайди).

(Ф.И.Ш) _____
(имзо) _____
(сана)

Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тўлдирилади

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қуйидаги чоралар
таклиф қилинади: _____
(манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун кўрилган чоралар
кўрсатилади)

(раҳбарнинг Ф.И.Ш) _____
(имзо) _____
(сана)